

3-23-2018

ABOUT THE ONE ALMANAC OF MIRZA

Raykhon Nizomovich Fayzullaeva

PhD student at the uzbek literature department, Karshi state university

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>

Recommended Citation

Fayzullaeva, Raykhon Nizomovich (2018) "ABOUT THE ONE ALMANAC OF MIRZA," *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 2.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol1/iss2/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

УДК 417.3

**МИРЗОНИНГ БИР БАЁЗИ ТЎҒРИСИДА
ОБ ОДНОМ АЛЬМАНАХЕ МИРЗЫ
ABOUT THE ONE ALMANAC OF MIRZA**

Fayzullaeva Raykhon Abdullaevna

PhD student at the uzbek literature department, Karshi state university

Таянч сўзлар: баёз, баёз тузиш аънанаси, Феруз адабий муҳитида баёзчилик, муаллиф матни, муаллиф таҳрири, муаллиф изоҳи.

Ключевые слова: альманах, традиция составления альманаха, традиция составления альманаха в литературной среде, в которой жил и творил Феруз, авторский текст, авторская редакция, авторский комментарий.

Key words: almanac, the tradition of writing an almanac, almanac writing during the literary environment of Feruz, the author's text, the author's edition, the author's comment.

Аннотация

Мақолада Мирзонинг ўз ижодидан тузган бир қўлёзма баёз ҳақида фикр юритилган бўлиб, баёз матни шоирнинг Чокар томонидан оққа кўчирилган девони ва Пўлотжон Домулло Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” китоби билан ўзаро таққосланади. Гарчи матн муаллифнинг автограф нусхаси бўлса ҳам, унда хато ва камчиликлар бўлиши мумкинлиги матншунослик фанидаги муаммолардан бири экани таъкидланган.

Аннотация

В статье представлена рукопись Мирзо, в которой рассмотрены принципы составления альманаха, также дан сравнительный анализ текстов поэта Чокара и книги «Тазкираи Кайюмий» Домулло Кайюмова. Несмотря на автографичность текста, по мнению автора, в ней допущен ряд ошибок, что является одной из проблем текстологии.

Abstract

The article deals with the analysis of the almanac by Mirzo and its comparison with the divan written by Chokar and “Tazkirai Kayumi” by Domullo Kayumov. It has been emphasized that even though the text is an autograph copy, the presence of mistakes and flaws is one of the problems in text studies.

Кириш. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида 6947 рақами остида “Баёзи Мирзо” номли қўлёзма баёз сақланади [1]. Китоб муқовасида “Муҳаммадрасулбой ёзгон баёз” деган қора сиёҳда ёзилган эслатма бор. Бу котибнинг ёзуви. Қўлёзманинг ўлчами 14x22, варақлар сони 131 та, ёзуви настаълиқ, тили ўзбек тили, уч тамғали муҳр бор. Саҳифалар рақамланмаган. Қўлёзма Муҳаммадрасул Мирзонинг ўз ижоди намуналаридан тузган баёзидир. “Лаълининг бўсасиға жонон мендин истар жон эваз, Бўлса юз жон қилмайин бўлғаймудур имкон эваз” мисралари билан тугаган жойда варақлар юлиб олинган. Бу яққол билиниб турибди. Шу жойда институт муҳри урилганидан “фондга олингунга қадар йиртилган” деб хулоса қилиш мумкин. Қўлёзмада варақларнинг тўлиқ эмаслигидан оққа кўчирилган санани ҳам аниқлашнинг имкони йўқ. Бироқ мазкур қўлёзма, аввало, муаллифнинг ўз дастхати билан ўзининг ижоди асосида тузилгани учун қадрлидир.

Баёз, гарчи ғазаллар билан бошланган бўлса ҳам, ғазаллар орасида бошқа кичик лирик жанрдаги асарлар, ҳатто, Фузулийнинг “Ҳафт жом” маснавийси таржимаси ҳам киритилган. Бу, бир тарафдан баёз тартибидаги ноизчилликни кўрсатади. Иккинчи томондан эса мусаннифнинг баёзни тартиблашдаги ўзига хос ноанъанавий усул қўллаганини ифодалайди.

Маълумки, ҳар қандай баёз, у аниқ бир шоир ижодидан ёки бир неча шоирлар ижодидан тузиладими, энг сара асарлар деб ҳисобланган асарлардан тузилади. Демак, биз ўрганаётган баёзда ҳам Мирзо ўзининг энг сара шеърларини киритишга ҳаракат қилган.

Баёзда дастлабки йигирма иккита ғазалдан сўнг “Торих” сарлавҳаси билан шеър келтирилган бўлиб, бу шеър гарчи ғазал усулида қофияланган бўлса ҳам, қасида характеридадир. Асосан, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) мадҳида ёзилган ушбу шеърнинг охириги байтида таърих усули қўлланган. Бу байтдаги “*Қасри нави жаннатнишон*” ишорасидан абжад ҳисобида маълум бир сана чиқади ва Муҳаммад Раҳимхон томонидан қурилган қаср қурилиши тугалланган йил санасини ифодалайди. Бу айни пайтда мазкур қўлёзманинг шу санадан олдин тузилмаганини ҳам кўрсатади.

Баёзда олти ғазалдан сўнг “мухаммас” деган изоҳ билан Ферузнинг “*Шод ўлғил, эй маҳзун кўнеул, бу кеча дилдоринг келур*” мисраси билан бошланувчи ғазалига мухаммас, “*Мухаммас батариқи тазмин*” изоҳи билан ҳар банди “*Оромижон нигорим, сарви равон нигорим*” мисраси билан тугайдиган яна бир мухаммас, ундан сўнг “*Варсақи*” изоҳи билан 7 бандли мураббаъ усулида қофияланган шеър келтирилган. Кейинги шеър шоир девонининг 911/1-рақамли нусхасида ғазаллар сирасида берилган. Пўлотжон домла Қайюмий ўзининг “Тазкирайи Қайюмий” [2] тазкирасида ҳам ушбу шеърни мураббаъ шаклида берган. Тазкира, 911/1-, 6947-қўлёзмалар ўзаро солиштирилганда қуйидаги фарқлар кўзга ташланди.

Тазкирада баъзи мисраларда сўзларнинг тушиб қолгани, сўзларнинг ўрин алмашгани сингари нуқсонлар учрайди. Бу нуқсонлар, албатта, маънога сезиларли таъсир кўрсатган. Жумладан: “*Ҳар неча ёшурдим бу ҳоли зорим, Кўзлар ёш тўкуб аён айлади*” байтининг иккинчи мисрасида “қон” сўзининг етишмаётгани аниқ сезилиб турибди. “*Очилғон ғунчадек қизил юзларинг, Жон булбулини нолон айлади*” байтининг иккинчи мисрасида “жон” сўзи “жоним” тарзида қўлланмаса, бир чўзиқ ҳижонинг етишмаслиги талаффузда ноқисликни юзага келтиради.

Кейинги байтларнинг бирини тазкиранавис “*Бир сен киби йўқдур оламда маҳваш, Ҳажрингда бўлубдур кўнгулум мушавваш*” тарзида беради. Қўлёзма девонда эса “*Пари, сен киби йўқдур оламда маҳваш, Ҳажрингда бўлубдур кўнгулум мушавваш*” байти мавжуд. Шеърнинг мусиқийлиги ва маъно мантиқийлиги девондаги шакл тўғри эканини кўрсатади. Тазкиранавис пари сўзини “бир” деб ўқигани кўриниб турибди. “*Мани гар этмасанг васлингга дилхуш, Умрим гулин ҳажринг хазон айлади*” мисраларининг девонда “*Мани гар қилмасанг васлингга дилхуш, Умрим гулин ҳажринг хазон айлади*” шаклида берилиши эса грамматика қоидалари нуқтаи назаридан хато берилган.

Қуйидаги тўртликнинг учинчи мисрасига диққат қиламиз:

*Ҳеч демадинг эй бекасу афғорим,
Ғам остида қолди жисми беморим,
Кўкка етмас этган нолаи зорим,
Ишқинг мани зору гирён айлади.*

Юзаки қараганда ёрдан, унинг жафокорлигидан шикоят мотиви очиқ сезилиб турган ушбу мисраларга учинчи мисрадаги фикр ҳеч мувофиқ эмасдек туюлади. “*Кўкка етмас нолаи зорим*” – чеккан оҳ-у нолам кўкка етмайди, дейилмоқда. Аслида эса, бунинг зиди бўлиши керак. Ошиқнинг оҳлари кўкка қадар етиб боргани ҳақидаги муболағали тасвирлар мумтоз шеърятимизнинг безакларидан саналади. Зоҳиран қараганда шундай. Бироқ кўк сўзининг *фалак*, *осмон* сўзлари билан маънодошлигидан ташқари, классик шоирларимиз томонидан Худо сўзи ўрнида ҳам қўллангани эътиборга олинса, мураббаънинг ботиний маъноси ойдинлашади: *ҳеч илтифот қилмадинг, жисми беморим ғам юки остида қолди, қилган нолаи зорларим Худога етмади, ишқинг мени зору гирён айлади.*

Қўлёзма девонда бу мисра “*Бир кимсага етмас нолаи зорим*” тарзида берилган.

ART AND HUMANITIES: MODERN LITERATURE

Чеккан оху нолаларимга ҳеч ким эътибор бермайди, ваҳоланки, сенинг (маъшуқа) илтифотсизлигинг ҳаддидан ошди, шундоқ ҳам бемор ва заиф жисмим ҳам юки остида қолди, натижада зор ва гирён ҳолатга тушдим, демоқчи шоир. Бундай фикр ҳам мантиқан мувофиқдир.

“*Жисмим аро қолмай тобу товоним*”. Ушбу мисра қўлёзмада “*Жисмимда қолмади тобу товоним*” шаклида берилган. Тазкирадаги матнда 2 та хатолик бор. Бири мисранинг талаффузи билан боғлиқ. Талаффузда қўлёзмадаги матн тазкирадаги матнга нисбатан аниқроқ, оҳангдорроқ ўқилади. Умуман, грамматика нуқтаи назаридан ҳам иккинчи мисра тўғри. Чунки тўртликнинг қолган мисраларидаги феъл сўзларда замон маъноси аниқ ифодаланган: биринчи мисрада *мушкил этди*, учинчи мисрада *етди*. Демак, биз текшираётган иккинчи мисрада *қолмади* сўзи қўллангани мақсадга мувофиқ.

Мисра билан боғлиқ иккинчи хато “товон” сўзида. “Товон” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “*Оёқ кафтининг орқа қисми ва оёқ кийимининг шу жойга тўғри келадиган қисми; жарима, пеня, ҳақ тўлаш (келтирилган зарарни қоплаш учун тўланадиган ёки олинадиган ҳақ)*” деб изоҳланган [3]. Албатта, мисрада оёқ, оёқ кийим ёки қандайдир жарима учун олинадиган ҳақ тўғрисида гап йўқ. Бу сўзни “тавон” кўринишида ёзсак, ҳаммаси жой-жойига тушади. Луғатда форсча *қудрат, қувват, чидам* маъноларини берадиган сўз сифатида изоҳланган бу сўз мисрага айнан мос сўздир [4, 5]. У худди шундай маъно берувчи тоб сўзи билан жуфт ҳолда қўлланиб “*жисмимда ҳеч қувватим, дармоним қолмади*” деган маънони ифодалаган.

“Тазкирайи Қайюмий”да йўл қўйилган нуқсонлардан яна бири, таъкидланганидек, сўзларнинг ўрин алмаштириб қўлланганидир. Бундай хатолар, аввало, шеърнинг вазнини бузади. Навбатдаги тўртликда ҳам шундай хато, ҳам сўзни нотўғри қўллаш билан боғлиқ қусур мавжуд. Қиёслаймиз:

Тазкирада:

*То йироқдин кўрдим меҳру рухсоринг,
Ойинадек бўлдим маҳви ди(й)доринг,
Жону дилим бўлуб доим афкоринг,
Меҳрим кўнглум уйин макон айлади.*

Қўлёзмада:

*То кўрдум йироқдин меҳри рухсоринг,
Ойинадек бўлдим маҳви ди(й)доринг,
Жону дилим бўлуб доим афгоринг,
Меҳринг кўнглум уйин макон айлади.*

Фарқларнинг биринчиси – қўлёзмадаги “*то кўрдим йироқдин*” бирикмасининг “*то йироқдин кўрдим*” тарзида берилишида унчалик жиддий нуқсон кўзга ташланмайди. Бироқ охириги мисрадаги “*Меҳринг кўнглум уйин макон айлади*” мисрасининг “*Меҳрим кўнглум уйин макон айлади*” деб ўзгартирилиши – бу энди жиддий матний хатодир. Чунки бу орқали мантиқий хатога йўл қўйилган – мисранинг маъносига таъсир қилинган. “Сенинг меҳринг менинг кўнглум уйини макон айлади” деган фикр “Ўзимнинг меҳрим кўнглум уйини макон айлади” маъносидаги тўмтоқ ва жўн фикр билан алмашилиб қолган.

Учинчи мисрада тазкиранавис “*афгор*” сўзини “*афкор*” шаклида ўқийди ва матн билан боғлиқ яна бир нуқсонга йўл қўяди. Аслида “*афгор*” тарзида ўқиш мақсадга мувофиқ. Тўғри, “*яраланган, жароҳатланган, мажруҳ*” маъноларини берувчи бу форсча сўзнинг афкор вариантыда ҳам қўлланиши луғатда маълум қилинган [6]. Бироқ афкор сўзининг арабча фикрлар маъносида қўллангани маъқулроқдир.

Шунинг каби навбатдаги тўртликдаги “*Чиқолмади кўнгил номи фирқатдин*” мисрасини “*Чиқа олмай кўнгил шоми фурқатдин*”, “*Кўзим қон ёш тўкар тинмай ҳасратдин*” мисрасини “*Кўзи қон ёши тўкар доим ҳасратдин*”, “*Доимо айрилиб ҳоби роҳатдин*” мисрасини “*Доимо айрилиб хоби роҳатдин*” сингари ўқиш аслан шоирнинг қаламига мос тушар эди.

Қўлёзманинг кейинги саҳифаларида “Маснавий” деган изоҳ билан Фузулийнинг

ART AND HUMANITIES: MODERN LITERATURE

“Ҳафт жом” маснавийсининг Мирзо томонидан таржимаси кўчирилган. Асар таржимасига кириш сабаблари баён қилинган қисм, асарнинг биринчи ва иккинчи маснавийси юз байтдан ортиқроқ ҳажми эгаллайди. Маснавий сўнгида бир рубоий, бир ғазал, Ферузнинг “Кўрдум юзин, бердим кўнгул ул сарви гулрухсорға” ғазалига мухаммас ва яна хон мадҳидаги бир ғазал келтирилган.

Қўлёманинг бир саҳифасида “ғазал” изоҳи билан “Умр берсун шоҳимға кўб ҳосил” мисралари билан бошланган 8 байт ёзилган. Бу ғазал бироз олдинроқда – бошқа саҳифада ҳам ёзилганини, бир ғазални икки марта ёзаётганини билиб қолган котибнинг ўзи ҳар бир мисра устидан чизиқ тортган. Қизиғи шундаки, ушбу ғазалнинг ёзилиши 911/1 – рақамли қўлёмда ҳам бироз ғалати. Яъни қўлёманинг 23-⁶ варақда ёзилиши бошланган ғазалнинг давоми 24-^a варақда эмас, балки 24-⁶ варақда берилган.

Сарлавҳалар ёки ҳошиялардаги қўшимча изоҳлар айнан муаллифнинг ўзиники бўлгани шоирнинг ижоди тадқиқида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, бир ўринда “Ғазали муножоти пайрав” деган изоҳ бўлиб, бу билан изоҳ остидаги ғазални шоирнинг ўзи биринчидан муножот ғазал эканига, иккинчидан пайрав ғазал эканига ишора қиляпти. Ёки яна бошқа икки ўринда “Ғазали шири шакар” деб изоҳ берилган. Бу яхши. Лекин баёз билан нисбатан мукамал нусха ҳисобланадиган Мирзо девонидаги (911/1 – рақамли қўлём) баъзи бир ғазаллар ҳажмида сезиларли тафовут борлиги аниқланди. Эътиборлиси шундаки, шоир ўз кўли билан тартибланган баёзда “Солди ўтлиғ оразинг жон ичра ўт” мисраси билан бошланадиган ғазал 7 байт, девонда (котиб Муҳаммад Яъқуб Муҳаммад Юсуф Чокар) эса 9 байтдан иборат ҳажмда кўчирилган. Чокар нусхасидаги “Келсанг ўтлуғ юз очиб кулбам сори, Тушгуси ағери нодон ичра ўт” (3-байт) ва “Тонг эмас бир оҳ бирла ҳажр аро Солсанг ўт мен доғи ҳижрон ичра ўт” (8-байт) баётлари биз ўрганаётган баёзда йўқ. Бундай ҳолатни “Мажлис ичра қилди то орази намоён ул йиғит” мисраси билан бошланувчи ғазал матнида ҳам кузатиш мумкин (Чокар нусхасида бўлган “Олибон гулгун ниқобин оташин рухсоридин, Кўрган элни айлади ҳусниға ҳайрон ул йиғит” мисралари (3-байт) баёзда мавжуд эмас).

Шу тариқа ғазал, рубоий, мухаммас, Ферузга бағишланган 2 та қасида ва форс тилида ёзилган битта таърих келтирилган. Шундан сўнг бир саҳифа очиқ бўлиб, ҳеч нарса ёзилмаган. Саҳифанинг нима учун очиқ қолдирилганига ҳеч қандай изоҳ берилмаган. Кейин яна бир мухаммас матнидан сўнг “Ҳафт жом”нинг матни давом эттирилган.

Баёз матнида эътиборсизлик билан йўл қўйилган баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, шоирнинг “Лак ул ҳамд ё қодир ул жулжалол, Хирад кунжи зотингға етмоқ малол” байти билан бошланувчи қасида матнида “Разм майдониға киргон чоғда чобуксувор, Шоҳи одил шукри бошиға қалқон бўлди гул” мисраси келтирилган. Мисра сўнгида “бошиға” деган изоҳ берилган. Мазкур мисра аслида “Ҳамд ул холиқға лутфидин намоён бўлди гул” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг 4-байти ҳисобланади.

Мирзо ижодида “Бу оқшом келди дилдорим қамар янглиғ шитоб айлаб” мисраси билан бошланувчи ғазал бор. Ғазал:

Бу янглиғ кеча, Мирзо, васл ила кимға насиб ўлса

Ётар албатта ул маҳшарға текру маст хоб айлаб, - байти билан тугалланади. Баёзда Мирзо адабий ўғрилиққа (плагиатликка) йўл қўймаганини кўрсатиш учун саҳифада “Навоийдек ётар маҳшарға текру тарки хоб айлаб” деб ёзиб қўйган ва бу мисра аслида Алишер Навоийники эканига, буюк шоирнинг ижодидан ижодий таъсирланганига ишора қилади.

Баёзнинг айни кўриниши “Лаълининг бўсаиға жонон мендин истар жон эваз, Бўлса юз жон қилмайин бўлғаймудур имкон эваз” байти билан тугайди. Шундан сўнги варақлар юлиб олинган. Гарчи матни тўлиқ бўлмаса ҳам ушбу баёз Мирзо ижодига оид айрим баҳсталаб ўринларга ойдинлик кирита олиши билан аҳамиятли экани юқоридаги мисоллар билан далилланди. Солиштирилган мисоллар, ҳар қандай матн гарчи муаллифнинг автограф нусхаси бўлса ҳам, унда турли хато ва камчиликлар бўлиши

ART AND HUMANITIES: MODERN LITERATURE

мумкин эканини кўрсатади. Ҳатто автограф нусхада ҳам нуқсон бўлиши матншуносдан матнни ҳар тарафлама ўрганиши, матн билан боғлиқ барча (объектив, субъектив) омилларни жиддий тадқиқи қилиши лозим эканини яна бир бор исботлайди.

REFERENCES

1. **Bayozi Mirzo.** Toshkent davlat SHarqshunoslik instituti, inv. - № 6974. *بياضى ميرزا*.
 2. **Po'lotjon Domullo Qayyumov.** Tazkirai Qayyumiy. III kitob, 5 daftar. – Toshkent, – B. 535-538.
 3. O'zbek tilining izohli lug'ati. 5 tomli, 4-tom. – Toshkent: O'zME DIN, 2006.
 4. O'zbek tilining izohli lug'ati. 5 tomli, 3-tom. – Toshkent: O'zME DIN, 2006.
 5. Navoiy asarlari lug'ati. Alisher Navoiy asarlarining 15 tomligiga ilova. – Toshkent: G'afur G'ulom, 1972.
 6. O'zbek tilining izohli lug'ati. 5 tomli, 1-tom. – Toshkent: O'zME DIN, 2006.
-